

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-  
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЦЫПКИНА ВИКТОРИЯ ВЯЧЕСЛАВОВНА**

**РЕСУРС ТЕЖАМЛОВЧИ КАБЕЛ САНОАТИ ЧЎЗИШ ЖИҲОЗЛАРИ  
УЧУН НАЗАРИЙ АСАСЛАРИ ВА МОДЕРИЗАЦИЯЛАШ  
МЕТОДЛАРИ**

**05.05.02 – «Электртехникаси. Электрэнергетикавий станциялари, тизимлари.  
Электртехникавий мажмуалари ва қурилмалари»(техникавий фанлар)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Ципкина Виктория Вячеславовна**

Ресурс тежамловчи кабел саноати чўзиш жиҳозлари учун назарий  
асаслари ва модеризациялаш методлари ..... 3

**Цыпкина Виктория Вячеславовна**

Методы модернизации ресурсосберегающего волочильного  
оборудования кабельного производства..... 17

**Tsipkina Viktoriya Vyacheslavovna**

Modernization methods of resource-saving wiredrawing equipment of cable  
production ..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 35

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-  
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЦЫПКИНА ВИКТОРИЯ ВЯЧЕСЛАВОВНА**

**РЕСУРС ТЕЖАМЛОВЧИ КАБЕЛ САНОАТИ ЧЎЗИШ ЖИҲОЗЛАРИ  
УЧУН НАЗАРИЙ АСАСЛАРИ ВА МОДЕРИЗАЦИЯЛАШ  
МЕТОДЛАРИ**

**05.05.02 – «Электр техникаси. Электр энергетикавий станциялари, тизимлари.  
Электр техникавий мажмуалари ва қурилмалари» (техникавий фанлар)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2018**

**Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Т624 - рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбари:**

**Хошимов Арипджон Адилевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлари:**

**Бобожонов Мақсуд Каландарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Титова Жанна Олеговна**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат кончилиқ институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32 e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 227-03-41.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.Р. Аллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

**О.Х. Ишназаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий қотиби, т.ф.д., к.и.х.

**И.М. Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида кабел маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг техникавий қайта куролланишни амалга ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида ажралиб чиқадиган чиқиндилар сонини камайтириш, технологик ишлаб чиқариш жараёни оптималлаштириш, бошқарув тизимини мукамаллаштириш ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришни стратегик йўналишларини белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг, жумладан АҚШ, Германия, Япониянинг ишлаб чиқариш корхоналарида «яқин келажакда кабел ва сим маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳар йилига тахминан 3,2%га кўпайиши кутилмоқда»<sup>1</sup>. Ушбу йўналишда жумладан жаҳон амалиётида кабел маҳсулотини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва модернизация қилишга ва кабел ишлаб чиқариш технологияларини ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кабел маҳсулотини ишлаб чиқаришда чўзиш жараёнига самарали технологиялар ишлаб чиқиш, кўп симли чўзиш усулини қўллаш ва бир қатор технологик жараёнларни умумлаштириш усулини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан кабел маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фильераларни қўллаш асосида ишловчи чўзиш машиналарининг конструктив ва иш режим параметрларини моделлаштириш, конструкциясини такомиллаштириш, сим ишлаб чиқаришдаги исрофларни камайтирувчи технологик линияларни самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга кабел чўзиш жараёнининг энергия самарадорлигини таъминловчи чўзиш машинасини такомиллаштириш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослаш зарур ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда кабел маҳсулотини сифатини ошириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техника ҳамда технологияларини янгилаш, жумладан, мис ҳом-ашёсини фильера ва фильерасиз чўзиш жараёнига қаратилган илмий изланишларга катта аҳамият берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...яқин келажакда устувор вазифа сифатида иқтисодийнинг энергия ва ресурс сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш ...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан, кабел маҳсулотини фильера ва фильерасиз ишлаш жараёнида машинанинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги мақбул иш режимини аниқлаш орқали такомиллаштириш, қурилманинг конструктив параметрларини математик моделлаштириш, ҳамда кабел миқдорини инобатга олиб иш режимини ҳисоблаш ва усулларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup><http://proxima.com.ua/articles/articles.php?clause=3370>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПК-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ҳажмларини қисқартириш бўйича Дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар кабел саноатининг технологик жиҳозларининг ривожлантиришига Калифорния Университети (АҚШ), Рейнско-Вестфальский Техник Университети (Германия), Россия кабел саноатининг лойиҳа-конструкторлик ва технологик илмий тадқиқот институти, Кабел саноати илмий тадқиқот конструкторлик институти (Россия), Украина кабел саноатининг илмий тадқиқот институти (Украина), Шанхай «Шанда» давлат университети (Хитой), Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) ва бошқалар кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кабел маҳсулотларини ишлаб чиқариш машина ва технологияларини ривожлантириш ва уларни самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар Э.В. Сименс, А. Хиппель, В.Р. Баррет, В. Браун, Р.А. Хэдфилд, И.Б. Пешков, Г.И. Мешанов, Ан Ен Док, В.Н. Егоров, Ю.Т. Ларин, И.Т. Туганбаев, У.А. Жолдасбеков ва бошқалар ҳисса қўшганлар. Чўзиш машиналарини технологик кўрсаткичларини яхшилаш ва такомиллаштириш борасида Ўзбекистонлик олимлари

Я.З. Месежник, Я.П. Алёхин, О.Ш. Ахмедов ва бошқа олимлар томонидан ҳам бажарилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай кабел ишлаб чиқаришида чиқиндилар даражасини камайтириш, технологик жиҳозларни такомиллаштириш ва янги конструкцияларини ишлаб чиқиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда асосан фильерали ва фильерасиз симни чўзиш усулларини бирлаштириш, доимий қайта чўзилишни назорат қилиш, симни чўзиш жараёнини математик моделини яратиш ва технологик жараёнини оптималлаштиришни такомиллаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқилиб, унинг ечимлари таклиф этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 02/1-925 «Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш энергия самарадорлигини ошириш, узатиш ва улардан

фойдаланиш ҳамда етказишда йўқотишларни камайтириш, энергетика ва ёқилғи энергетика комплекслари ривожланишини чора-тадбирлари, энергетик хавфсизлик ва энергия тежамкорлиги» (2016-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кабел чўзиш жараёнининг энергия самарадорлигини таъминловчи чўзиш машинасини такомиллаштириш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

технологик жараёнининг энергия самарадорлигини таъминловчи чўзиш машинасини такомиллаштириш асосида қимматбаҳо технологик асбобларнинг хизмат муддатини узайтириш;

чўзиш технологияси хусусиятларини ҳисобга олувчи асосий босқичларни кўрсатган ҳолда рангли металл чиқиндиларининг камайтирадиган технологияни ишлаб чиқиш;

асбоб-ускуна ишини тўхтатмасдан жараённинг технологик ва техникавий параметрларини оптималлаштирилган ҳолда чўзишнинг технологиявий ўзига ҳос хусусиятларини босқичма-босқич виртуал равишда акс эттиришга имкон берувчи ахборот моделини ишлаб чиқиш;

кабел материали параметрлари ва бўлак омиллари, ишчи узеллари, механизмлари, электр механикавий тизимининг биргаликдаги ўзаро харакати, шу жумладан эмульсия таркибининг таъсири, чўзиш машинасининг технологик, техникавий параметрларини ҳисобга олиш асосида чўзиш жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш;

кабелни чўзиш жараёнини қўшимча чўзиш кучини таъминлаб туришга имкон берувчи қўшимча электр механик блокни ўрнатиш асосида чўзиш машинасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида чўзиш машинасини такомиллаштириш имконияти ва унинг электр механик тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кабел юзасининг силлиқлиги ва диаметрининг доимийлиги, юқори сифатини таъминловчи ва якуний ишлов бериш вазифасини бажарувчи қимматбаҳо технологик инструментининг (олмос фильераси) жараёнларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг услулари.** Тадқиқот жараёнида чўзиш технологик режимлари ва параметрларини ҳисоблаб чиқариш услулари ва чўзиш назарияси, электромеханик тизимларнинг ишлаш режимларини математик моделлаштириш, тенгламалар тизимларини ечиш усуллари, интеграл ҳисоблашнинг ва алгебравий тенглаштириш тизимларини ечишнинг таҳлилий ва рақамли ҳисоб услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қимматбаҳо технологик инструментнинг (олмос фильераси) хизмат муддатини узайтиришни таъминловчи, фильерли ва фильерсиз икки усулни биргаликда олиб бориш орқали чўзишнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

электр механикавий тизимнинг ишлаши ва жараённинг параметрларини оптималлаштириш билан ишчи узеллари, механизмлари, электр механик

тизими ва чўзиш жараёнининг технологик параметрларини қамраб олган ҳолда чўзиш технологиясини математик модели ишлаб чиқилган;

чўзиш машинасининг ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлаш бўйича фелъер ва фелъерсиз усуллар асосида чўзиш технологияси такомиллаштирилган;

кабелни тортиб қўйишни амалга оширадиган қўшимча блокни ўрнатиш асосида чўзиш машинаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

чўзишнинг фильерли ва фильерсиз усулини биргаликда олиб борадиган қўшимча блокни ўрнатиш асосида чўзишда ресурсни тежовчи янги технология ишлаб чиқилган;

кабел материали параметрлари ва бўлак омиллари, ишчи узеллари, механизмлари, электр механикавий тизимининг биргаликдаги ўзаро ҳаракати, эмулсия таркибининг таъсири, чўзиш машинасининг технологияси, техникавий параметрларини ҳисобга олишга асосида мисни чўзиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган тўлиқ кўламли назарий ва экспериментал тадқиқотлар ва уларда олинган натижалар, уларнинг ўзаро келишуви, уларнинг тадбиқ этиш амалиёти ва синовдан ўтган усуллар билан таҳлил қилишда замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилиши билан асосланади, шунингдек назарий ва экспериментал натижаларнинг мос келиши билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чўзиш объекти ва жараёнининг технологик ва техникавий параметрларини ҳисобга оладиган чўзиш технологиясининг ахборот ва математик моделини қуриш алгоритмларини ишлаб чиқиш асосида чўзиш машинасининг такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чўзиш машинасининг фойдали иш вақтини кўпайтириш, ишлаб чиқариш циклини ундан истисно этмаган ҳолда чўзиш машинасининг иш ресурсини тежовчи режимини ишлаб чиқилиши, ишлаб чиқариш жараёнидаги чиқиндилар сонини камайитириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кабел ишлаб чиқариш ресурсларни тежовчи чўзиш асбоб-ускунасини модернизация қилиш усуллари асосида илмий натижалар олинган:

чўзиш машинасининг синхрон равишда ишловчи ишини таъминловчи электр механик блок «O`zkable» ОАЖ ҚҚда 1-чи сонли цехида жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» АКнинг 2018 йилнинг 6 апрелидаги 01/785-сон маълумотномаси). Натижада олмос фильерлари хизмат муддатини 3%га, машинанинг фойдали иш вақтни 10%га ошириш, чўзишнинг тавсифномаларини ишлаб чиқаришни 7%га ошириш имконини яратган;

технологик параметрларини оптималлаштириш орқали такомиллаштирилган ВСК-13 чўзиш машинаси «Андижонкабел» ОАЖ



ҚҚнинг 10-сон цехида жорий этилган. Натижада олмос фильерлари хизмат муддатини 4%га фойдали машинали вақтни 15%га ошириш, чўзиш жараёнининг ишлаб чиқаришни 10%га ошириш имконини яратган;

чўзиш машинасининг бошқарув тизими «НАУАТ POWER CABLE SYSTEMS» МЧЖ симни чўзиш участкасида жорий қилинган («Ўзэлтехсаноат» АКнинг 2018 йилнинг 6 апрелидаги 01/785-сон маълумотномаси). Натижада олмос фильерларнинг хизмат муддати 10%га ошириш ва мис чиқиндиларининг 10% миқдорига камайтириш имкони яратилган;

чўзиш жараёнида технологик параметрларини автоматлаштирилган технологияси «NAVOI CABLE CONNECTOR» МЧЖ ишлаб чиқариш цехида жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» АКнинг 2018 йилнинг 6 апрелидаги 01/785-сон маълумотномаси). Натижада кабел чўзиш жараёнининг техникавий ва технологик параметрлари максимал равишда 5-7%га оптималлаштирилган ва чўзиш машинасининг барқарор ишлашига эришилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқот натижалари 27 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 13 та халқаро ва 14 та республика анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 1 та мақола, республика журналларида 7 та мақола чоп этилган бўлиб.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Киришда** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилди, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тақдим этилди, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, диссертация тузилмаси ва чоп этилган ишлар бўйича маълумотлар очиқ берилди.

Диссертациянинг «**Таҳлилий кўриб чиқиш. Ресурсни тежовчи чўзиш машинасини ишлаб чиқиш бўйича масаланинг ҳолати ва вазифанинг қўйилиши**» биринчи бобида чўзиш технологиясининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг қўлланиладиган ЧМ турлари ва кабел-сим маҳсулотларини (КСМ) тайёрлаш технологиясида мавжуд чўзиш услубларининг назарий маълумотлари келтирилади. Ресурсни тежовчи чўзиш асбоб-ускунасига қўйилладиган талаблар санаб ўтилади.

ЧМ бу ўлчамлари бўйича қаттиқ йўл қўйишлар ва юзанинг юқори тозалиги ва сифати, сим диаметрининг доимийлигини қўллаб турувчи мураккаб динамикавий тизимдир. Чўзиш технологиявий жараёни бир мартали ва кўп марталига бўлинади. Чўзишнинг мавжуд тўққизта

усулларидан фильерли усули ЧМнинг барча турлари учун ососий ҳисобланади. Бешта усули ЧМнинг электр механикавий тизимига (ЭМТ) кўшимча стан ўрнатиш ва ЧМ конструктивининг бузилишини талаб этади. Шунингдек, замонавий кўп қўлли ЧМларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилганки, бунда жараённинг маҳсулдорлигини кучли даражада оширган ҳолда бир ўтишда 8 дан 56 гача симлар чўзилади. Бирок, чўзиш усуллари ресурсни тежаш шароитларини ҳар доим ҳам таъминлай олмайди.

Таҳлилий кўриб чиқишдан шу нарса келиб чиқадики, чўзиш жараёнининг самарадорлиги юқори сифатли симни ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хом-ашё ва материаллар, мис чиқитларини тежаш билан белгиланади. Бу умуман олганда кабел маҳсулотини тайёрлаш ва чўзиш технологиявий жараёни учун оптимал шароитларни яратиш билан эришилади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эса технологиявий асбоб-ускунанинг маҳсулдорлиги, технологиявий инструмент ва бутловчиларнинг хизмат муддати, ва материалларнинг чиқитларини қисқартириш ҳамда фойдали машинали вақтни ошириш ва шунга ўхшаш ҳоказолар билан эришилади. Бирламчи заготовканинг сифати, технологиявий инструментнинг ейилишга чидамлилиги ва ЧМ нинг тўхтовсиз ишлаши технологиявий жараённинг барқарорлиги ва технологиявий инструментнинг ишлашини таъминлашади.

ЧМ нинг технологик ускунаси (волока, фильера) ўтишида маршрутга мувофиқ ўрнатилади, бунда тез ейиладиган ҳисобланади ва сафдан чиқади, негаки тўлдиришга асбоб-ускуна тўхташини талаб этадиган симнинг чиқиш диаметрини ошириш, волок ишчи зонаси диаметрини ошишига олиб келувчи 20-60 м/сек. дан чўзиш тезликларида контактли ишқаланишга учратилади. Фильерлар қаттиқ қотишмали, сунъий ва табиий (олмос, диамонт) га бўлинади. Табиий олмос фильерасининг нархи 84-253 еврадан бошланади, фильернинг хизмат муддати ўртача 5000 кмга мўлжалланган, ЧМни қайта тўлдириш ўртасидаги фойдали машинали вақти 8 дан 12 гача соатларни ташкил этади, шунинг учун ресурсни тежаш технологиявий жараёнини ошириш ва мавжуд сарф механизмини қисқартириш имконини берувчи Фильеранинг чўзиш маршрутида жойлашиши ўтишга боғлиқ: аввал юқори чидамли, ундан кейин сунъий ва охирида сўнги ишлов учун табиий олмоздан ясалгани ўрнатилади.

Бундан буён ЧМ ишлашига талаблар келтирилган:

-Технологиявий инструментга талаб, ишчи зонасининг ейилишига боғлиқ; абразив ейилишига боғлиқ (мойлашда металл кўтарилиш) волокларнинг чидамлилиги; волок ишчи каналига металл кўтарилишнинг ёпишиб қолиши; заготовканинг ёки гардиш ичидаги олмосларнинг (мустаҳкам маҳкамланмаслиги) бузилиши ёки дарз кетиши.

- Чўзиш технологияси бўйича талаблар стандарт талабларларига чўзиш объекти механикавий ва электрик ҳусусиятларининг номувофиқлиги бўйича бракнинг мавжудлиги, шунингдек технологиявий жараённинг узлуксизлиги ва машинали вақтдан максимал равишда фойдаланиш билан белгилинади.

- Электр узатмасига талаблар технология ва ЧМнинг ўзига хосликлари билан белгиланади, ва охириги ўтишда тўлдириш тезлигини ( $v_3 = 1м/с$ ); 20-60 м/сек. дан ишчи тезликларнинг барча диапазонида ишончли ишлашни; ( $D = 25 : 1$ ) тартибга солишнинг барча диапазонида ишончли ишлашни; йўл қўйиладиган динамикавий моментни,

$$M_0 \leq M_n \text{ или } M_{max} = 2,5 M_n \quad (1)$$


тизимни ишга тушириш вақти, симларнинг узилишидан қочиб қолишни; электр узатма ишининг мувофиқлиги ва секундли ҳажмларнинг тенглигини, реверс ва оҳиста ростлашни таъминлаши керак. Бунда тезлиги бўйича статик хатоси 3%, тизимни қайта ростлаш миқдори ҳам 3-5%дан ошмаслиги, техникавий оптимумга тизимнинг созланиши; эксплуатация қилишда ишончилиги, тежамкорлиги, максимал маҳсулдорлиги. ЧМнинг ишлаши ҳимояни кўзда тутди: чуваланиб қолишдан; илгак ҳосил бўлишидан; узилишдан; хавфли зонага ишчиларнинг тушиб қолишдан, шунингдек авариявий ўчиб қолишдан.

Бунда сифат, технологиялар ва ўтказилган таҳлилий кўриб чиқиш бўйича ЧМга қўйиладиган умумлаштирилган талаблар **ресурсни тежаш чўзиш жараёни бўйича вазифани қўйишни** ифодалашга имкон берди, бу ерда: фильерли чўзиш – чўзишнинг ососий услуби ҳисобланади, ресурсни тежаш ва жараён иқтисодий самарадорлигини оптимал равишда ҳал қилиш эса чўзишнинг фильерли ва фильерсиз услубини бирга олиб бориш йўли билан қиммат турадиган олмос фильераси хизмат муддатини узайтириш ҳисобланади.

Диссертацияни «**Чўзиш машинасининг математикавий модели**» иккинчи бобида конструктив, кинематика ва технологиянинг ишлаб беришини ўзгартириш билан вақтинчалик сарфларни камайтириш учун моделлаштириш объекти тўғрисида ахборот таҳлили ўтказилган. Жараённинг кириш ва чиқиш параметрлари ўртасида алоқа ўрнатилган ва соддалаштиришлар қабул қилинган. Бирламчи материалга қўйиладиган талаблар белгиланган; машинали вақтнинг йўқолиши (тўхтаб қолиш ва унинг сабаблари); қўшимча блок билан ЧМни тартибга солиш ва оптимал бошқариш мезонлари ва барқарорлиги таҳлил қилиб чиқилган.

Ахборот таҳлили, жараённинг параметрлари, айнан: жараённинг узилмаслиги, симнинг сифати, таркибининг бир хиллиги ва нометалл киритмаларнинг йўқлиги бўйича объектив маълумотларни олиш имконини берди.

ВСК-13 ишчи кунининг фотосурати ишчи вақтининг тақсимланиши (1-расм) ва ЧМнинг тўхташи билан боғлиқ машинали вақтнинг йўқотишлари (1- жадвал) тўғрисида маълумотларни олиш имконини берди. Бу ерда, ЧМнинг тўхтаб қолишининг энг кўп вақти узилишларни бартараф қилиш ва ишлатиб бўлинган волокларни алмаштириш билан боғлиқ, асбоб-усқунани тўлдириш 43%га тенг, шунинг учун фильер хизмат муддатини чўзиш ресурсни тежаш чўзиш жараёни ва ЧМ маҳсулдорлигини ошириш бўйича вариант ҳисобланади.



1-расм ЧМни бошқариш тизими

Такомиллаштиришни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги «ЧМ + қўшимча чўзилган блок» (чизишнинг фильерли ва фильерсиз усуллариининг бири-кмаси) умумлашган матмодел-ни ишлаб чиқиш воситасида белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқилган чўзишнинг блок-схемаси такомиллаштирилган ЧМ ишлашининг ишончлилиги ва унинг ишлаш режимларини таъминлайди.

### Ресурсни тежовчи ЧМнинг ишлаш режимлари:

#### 1. Номинал:

$$v_1 = v_2; d_{\text{чиқ}} = d_{\text{ном}} \quad (2)$$

бу ерда:  $v_2$ - қўшимча блокнинг шайбаларини тортувчи тезлик;  $v_1$  - ЧМ тоза тортувчи шайбасининг тезлиги;  $d_{\text{чиқ}}$ - тоза фильер чиққандан кейин судраб олиб бориб қўйилган симнинг диаметри;  $d_{\text{ном}}$  – НД ўрнатган сим диаметри.

#### 2. Ишчи:

$$v_1 < v_2; \text{бунда } d_{\text{чиқ}} \geq d_{\text{ном}} \leq d_{\text{мах}} \quad (3)$$

бу ерда:  $d_{\text{мах}}$  – охиригача рухсат берилган судраб олиб бориб қўйилган симнинг диаметри

#### 3. Авариявий:

$$v_1 \ll v_2; \text{бунда } d_{\text{чиқ}} = d_{\text{мах}} \quad (4)$$

Қўшимча блок билан ЧМ ни тартибга солиш ва оптимал бошқариш мезонлари белгиланган:

#### 1. Чўзишнинг узилмаслилиги

$$W_1 = \sum_{i=1}^n P_{\text{чўз}} = \min, \quad (5)$$

бу ерда,  $\sum_{i=1}^n P_{\text{чўз}}$ – чўзиш кучи, бунга эса ЧМ блоклари бўйича барча қўшилувчи чўзиш кучларини минимизация қилиш йўли билан эришиш мумкин.

#### 2. Эксплуатациявий харажатлар,

$$W_2 = \sum_{i=1}^n P_i = \min, \quad (6)$$

бу ерда,  $P_i$ – чўзишга босим


#### 3. Чўзиш участкалари бўйича секундли хажмларнинг тенглиги,

$$W_3 = \int_0^{\infty} \sum_{i=0}^n (q_i (N_i - N_i^0)^2) dt, \quad (7)$$


бу ерда  $q_i$ –пропорционаллик коэффициенти,  $N_i$ , -таранглаш.

#### 4. Тортиш кучининг доимийлигини қўллаб туриш (оптимал тартибга солишнинг белвосита мезони).


Умумлаштирилган тузилмавий схема: тоза чўзиш блоки (2-расм), кўшимча чўзиш блоки (3-расм) ва приёмник (4-расм) дан иборат.



2-расм. Тоза чўзиш блокнинг умумлаштирилган тузилмавий схемаси



3-расм. Кўшимча чўзиш блокнинг умумлаштирилган тузилмавий схемаси



4-расм. Кабул қилишни умумлаштирилган тузилмавий участкаси

Кўшимчали блок билан ЧМ умумлашган моделини куриш шартли равишда учи бир-бири билан боғлиқ тизимга бўлинади: «Барабан 1 – Сим – Барабан 2» шайбаларни тортувчилар; деформация ўчоғи; приёмник. Умумлаштирилган математикавий модель математикавий таърифни ўз ичига олади: тортилувчи шайбалар тизими, деформация ўчоғи, системы «Барабан 1 – сим– Барабан» тизимлари ва приёмник.

Диссертациянинг «**Чўзиш машинасини модернизация қилиш бўйича техникавий ечимлар**» учинчи бобида фильерли ва фильерсиз усулни кўшиш билан чўзиш режимлари ва технологиясини ишлаб чиқиш амалга оширилган, бунинг учун технологиявий параметрлар ҳисоб-китоби ўтказилган, ЧМ самарадорлиги ва эксплуатациявий ишончлигининг оширилишига қўйилган асосий талаблар ифодаланган.

ВСК-13ни модернизация қилишнинг асосий мақсади техникавий ишларни ўтказишни минимал муддатлар ва сарф механизми билан асбоб-ускуна конструкциясини такомиллаштириш йўли орқали унинг ресурсни тежашлигини ошириш ҳисобланади ЧМ ишлашининг технологиявий режимлар ҳисоб-китоби ўз ичига қуйидагиларни киритади: таклиф этилган жараён асосий технологиявий параметрларини (1, 2 - жадваллар) белгилаш билан номинал, ишчи ва авариявий.

1- жадвал

Технологиявий кўрсаткичлар	ЧМнинг ишлаш режими	
	Номинал	Авариявий
1	2	3
Сим диаметри, мм	1,93	1,9315
Тортиб чиқариш $\mu$ , %	30	38
Мустақамлик чегарасининг ўсиши $\Delta\sigma_{\phi}$ , МПа	10	9
Узилишга вақтинчалик қаршилик қилиш $\sigma$ , МПа	191	201
Чўзишнинг кучланиши $\sigma_{нв}$ , МПа	200,68	216,1
Чўзиш кучи $P_p$ , Н	582,9	631,2

Технологиявий кўрсаткичлар	ЧМнинг ишлаш режими	
	Номинал	Авариявий
1	2	3
Чўзиш тезлиги $v$ , м/с	15	19,5
Чўзиш қуввати $N_{об}$ , кВт	2,2	3,1

2- жадвал

Технологиявий параметрлар	Чўзиш режими		
	номинал	ишчи	авариявий
1	2	3	4
Четга суриб олиб қўйилган симнинг диаметри, мм	1,93	1,9315	1,9315 ортик
Чўзиш тезлиги, м/сек	15	19,5	→0
Тортиб чиқариш, %	30	38	→0
Чўзиш кучи, Н	4881,0		
Қайишқоқлик кучи, Н		4881,0-6771,0	
		6771,0-6881,0	
Узилишга қаршилиқ қилиш кучи, Н		6881,0-8038,0	
Узилиш кучи, Н			6881,0-8038,4
Таранглаш, Н	30	38	→0


ВСК-13 чўзиш машинани иши ҳисоб-китобларининг солиштирма таҳлили такомиллаштиришни ўтказишдан аввал ва кейин технологиявий параметрлар бўйича амалга оширилган. Такимиллаштирилган чўзиш машинанининг аниқлиги ва ишончлилигини баҳолаш ташқи таъсирларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилганки, уларга риоя қилмаслик барча асбоб-ускуна ишига ва маҳсулотнинг сифатига кучли таъсир ўтказиши мумкин.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқот ишланмаси натижаларини тадбиқ этиш ва экспериментал тадқиқот**» тўртинчи бобида фильерли ва фильерсиз усулни кўшишда ўз ифодасини топган чўзишнинг таклиф қилинган технологияси ишлаб чиқилиши амалга оширилган, ресурсни тежовчи чўзиш машинани такомиллаштириш ва уни технологиявий жараёнга мослаштириш услуги кўриб чиқилган, «чўзиш машина+кўшимча тортувчи барабан» тизими физикавий моделининг таърифи билан тадбиқ этишнинг амалий натижалари келтирилган, тажриба-саноат синовларининг натижалари келтирилган ва уларни тадбиқ этиш учун тавсиялар берилган, чўзиш объектига чўзиш технологиялари таъсирининг солиштирма таҳлили қилинган ва чўзиш машинани такомиллаштиришнинг кўшимча тортувчи блокинни ўрнатиш билан техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари белгиланган.

Кабел ишлаб чиқариши чўзиш асбоб-ускунасининг ресурсни тежаши мақсадида такомиллаштириш услубини ишлаб чиқиш вазифаси волок хизмат муддатини чўзиш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир вақтнинг ўзида тайёр буюмнинг сифатини оширишдан иборат. Кўшимча тортиш блоки ва чўзиш станини (2) бирининг кетидан бошқасини кетма-кет ўрнатиш йўли билан қўйилган вазифа (5-расм). Чўзиш машинани такомиллаштириш услубининг таклиф қилинган схемаси куйидагилардан иборат: 1- бергич, 4-6 тортувчи барабанлар; 3- фильерлар; 5 – тоза фильера; 10 –диаметрнинг ўлчагич; 11 – кўшимча тортувчи барабан; 9- кабул қилувчи мослама.


Чўзиш машинанинг ўтказилган такомиллаштириш ишлари натижасида тоза (олмос) волока хизмат муддатини ўртача 15%га узайтириш имконини беради, бунда унинг нархи бирлик учун 250 еврогача ташкил этади.

Тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш (6-расм): «O`zkable» ОАЖ ҚҚ Тошкент ш., 2004 й.; «Андижонкабел» ОАЖ ҚҚ Хонобод ш., 2010й.; «НАҲАТ POWER CABLE SISTEMS» МЧЖ Навоий ш., 2017й.; «NAVOI CABLE CONNECTOR» МЧЖ Навоий ш., 2018 й. Тадбиқ этишнинг умумий суммаси 65 500 000 сўм.



5-расм. ЧМ такомиллаштириш услуби схемаси

**Ишлаб чиқариш миқдори, км**



6-расм. ЧМ маҳсулдорлиги таҳлили

Буларнинг барчаси чўзиш объектига чўзиш технологиялари таъсирининг солиштирма таҳлилинини ўтказиш имконини берди (3 -жадвал).

Такомиллаштиришнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича қуйидаги ҳисоб-китоб маълумотлари олинди.

3-жадвал

Параметрнинг номланиши	Такомиллаштирилишигача	Такомиллаштирилгандан кейин	
		Фильер хизмат муддати ошиши, 10%	Фильер хизмат муддати ошиши, 15%
1	2	3	4
Машинали вақт миқдори, соат	20	22	23
Ишчи сменалар миқдори	8	2,7	2,9
Маҳсулдорлик, смена/км	5 000	5 500	5 750
Маҳсулдорлик, йил/км	1 523 000	1 675 300	1 738 800

Олинган натижалар, амалдаги чўзиш технологиясини устида ўтказилган таккослаш таҳлили ва чўзиш машинасини қўшимча чўзувчи блок

кўшиш йўли билан такомиллаштири асосида, чўзиш жараёнини самарадорлиги ва олмос фильерасининг ишлаш муддатини ошириш ҳисобига ресурс тежамколиги оширилди. Таклиф қилинган усул турли турдаги чўзиш машиналарини қисқа вақт ичида ва конструкцияларига кичик ўзгартириш киритиш йўли билан такомиллаштириш имконини беради.

## ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Ресурс тежамловчи кабел саноати чўзиш жиҳозлари учун назарий асослари ва модеризациялаш методлари» илмий иш натижалари бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Фильерли ва фильерсиз усулларни бирлаштириш асосида чўзишнинг янги услуби такомиллаштирилди. Натижада олмосли фильера хизмат муддатини ўртача 10-15%га ва машинанинг фойдали ишлаш вақтини 15% гача ошириш имконини берган.

2. Чўзиш жараёнларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда чўзиш машинасини такомиллаштириш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилди. Натижада чўзиш жараёнининг техникавий ва иқтисодий параметрлари яхшилаш, машинанинг фойдали иш вақти, тўхташлар миқдори (ишга тушириш, технологияни ростлаш ва қайта тўлдириш), рангли металл чиқиндиларининг (тўлдириш учларининг) ҳажмини камайтириш имконини яратган.

3. Кабел-сим ишлаб чиқариши чўзиш асбоб-ускунаси ишлаш режими параметрларини оптималлаштириш мақсадида асосий технологиявий ва техникавий параметрларини қамраб олган чўзиш технологиявий жараёнининг шаклий ахборот модели ишлаб чиқилган. Натижада, осонлаштирилган ҳисоблаш йўли тавсия қилиш имконини яратган.

4. Чўзиш машинасининг иш режимларини синовдан ўтказиш мақсадида кўшимча чўзиш технологик блоки кўзда тутилган ҳолда математик модели ишлаб чиқилган. Синов натижалари чўзиш машинасини такомиллаштириш имконини яратган.

5. Ишчи узелида бир ёққа суриб қўйилган симни чўзиб қўйишни амалга оширадиган кўшимча блокни ўрнатиш асосида чўзиш машинаси такомиллаштирилган. Натижада рангли металл чиқиндилари 10-15% камайтириш имконини яратган.

Кўшимча блокли чўзиш машинаси мис чиқиндиларини камайтириш, чўзиш машинасининг фойдали иш вақтини купайтириш, қимматбаҳо технологиявий жиҳознинг (олмос фильераси) хизмат муддатини узайтиришни таъминловчи, фильерли ва фильерсиз икки усулни биргаликда олиб бориш йўли билан чўзиш усули такомиллаштириш, электр механикавий тизимнинг ишлаши ва жараёни параметрларини оптималлаштириш билан ишчи узеллари, механизмлари, электр механик тизими ва чўзиш жараёнининг технологик параметрларини қамраб олган ҳолда чўзишнинг технологисини математик модели ишлаб чиқилган чўзиш машинасини



амалиётга тадбиқ этилишидан олинган умумий иқтисодий самарадорлик бир йилда 65 550 000 сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27.06.2017.Т.03. ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА  
И ОБЩЕСТВЕ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ  
«НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ЦЫПКИНА ВИКТОРИЯ ВЯЧЕСЛАВОВНА**

**МЕТОДЫ МОДЕРНИЗАЦИИ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕГО  
ВОЛОЧИЛЬНОГО ОБОРУДОВАНИЯ КАБЕЛЬНОГО  
ПРОИЗВОДСТВА**

**05.05.02 – «Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.  
Электротехнические комплексы и установки»  
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
(PhD) ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

**Ташкент —2018 г.**

**Тема диссертации доктора философии (DPh) зарегистрирована за В2018.3.PhD/Т624 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZIYONET» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Хашимов Арипджан Адылович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Бободжанов Мақсуд Каландарович**  
доктор технических наук, профессор

**Титова Жанна Олеговна**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** **Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Т. 03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-технический центр». (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер \_\_\_\_ ). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41)

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 г.)

**К.Р. Аллаев**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
академик, д.т.н., профессор.

**О.Х. Ишназаров**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

**М.И. Ибадуллаев**  
Председатель научного семинара при Научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации:** В мире стратегическое направление развития кабельного производства заключается в техническом переоснащении производства, сокращении количества кабельных отходов, оптимизации технологического процесса, совершенствовании системы управления и в проведении научно-исследовательских работ. В связи с этим в развитых странах мира (США, Германия, Япония) «...в ближайшей перспективе ожидается ежегодное увеличение производства кабельной продукции и проволоки примерно на 3,2%»<sup>1</sup>. Исходя из этого, в мировой практике большое внимание уделяется проблемам совершенствования, модернизации кабельного производства, а также развитию технологий изготовления кабельной продукции.

Мировой опыт производства кабельной продукции в части повышения эффективности технологического процесса волочения ориентирован на применение многопроходного волочения проволоки, совмещение технологических операций (использование поточных линий), модернизации волоочильных машин, усовершенствовании конструкций фильер и сокращении количества отходов при производстве проволоки. При этом основная задача повышения энергоэффективности кабельного оборудования решается путем контроля и поддержания технологических параметров и режимов работы технологического оборудования.

На сегодняшний день в Республике Узбекистан большое внимание уделяется повышению качества кабельно-проводниковой продукции, техническому и технологическому переоснащению, проводимому в соответствии с современными требованиями на базе научных исследований, в том числе модернизации технологического процесса за счет совмещения фильерного и бесфильерного способов волочения проволоки. В частности, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены основные задачи «...на ближайшую перспективу, как приоритетная задача, сокращение расходов энергии и ресурсов экономики, широкого внедрения энергосберегающих технологий в производство...»<sup>2</sup>. Поставленная задача решается путем модернизации технологии производства, определением оптимальных режимов работы технологического оборудования, совмещением фильерного и бесфильерного способов волочения, математическим моделированием технологического процесса, а также расчётом режимов работы и усовершенствованием технологии с учётом объёма выпуска кабеля.

Данное диссертационное исследование в определённой степени будет служить осуществлению задач, определённых в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в

---

<sup>1</sup><http://proxima.com.ua/articles/articles.php?clause=3370>

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП - 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2343 от 5 мая 2015 года «О программе мер по сокращению энергоёмкости, внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах относительно данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Вопросами исследования теоретических и практических задач, проведению научно-исследовательских работ по разработке технологического оборудования для кабельной промышленности занимались в Калифорнийском Университете (США), Рейнско-Вестфальском Техническом Университете (Германия), Российском проектно-конструкторском и технологическом научно-исследовательском институте кабельной промышленности (Россия), Украинском научно-промышленном институте кабельной промышленности (Украина), Шанхайском государственном университете «Шанда» (Китай).

Известные учёные Э.В. Сименс, А. Хиппель, В.Р. Баррет, В. Браун, Р.А. Хэдфилд, И.Б. Пешков, Г.И. Мешанов, Ан Ен Док, В.Н. Егоров, Ю.Т. Ларин, И.Т. Туганбаев, У.А. Жолдасбеков и другие внесли свой вклад в решение теоретических и научных проблем, направленных на развитие увеличения эффективности технологического оборудования и технологий производства кабельной продукции. В Узбекистане улучшением и совершенствованием волочильных машин и их технологических параметров занимались учёные Я.З. Месежник, Я.П. Алёхин, О.Ш. Ахмедов.

Несмотря на ощутимые успехи, проблема уменьшения уровня отходов, совершенствования технологического оборудования и разработки новых технологий производства кабеля в достаточной степени не изучена. В данной диссертационной работе рассмотрены вопросы совмещения методов фильерного и бесфильерного волочения, контроля процесса волочения, создания математической модели процесса волочения проволоки и оптимизации технологического процесса с предложением путей их решения.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета на тему № 02/1-925 «Повышение энергетической эффективности производства электрической и тепловой энергии, уменьшение потерь при передаче и использовании, а также при доставке их, меры развития энергетических и топливно-энергетических комплексов» (2016-2017).

**Целью исследования** является модернизация волочильной машины для повышения экономических и ресурсосберегающих показателей всего процесса волочения.

### **Задачи исследования:**

- определение вариантов продления срока службы дорогостоящего технологического инструмента (алмазных фильер) на основе анализа существующих методов волочения, обеспечивающих повышение ресурсосбережения технологического процесса в целом;

- разработка оптимального пути модернизации волочильной машины с указанием основных этапов, учитывающих особенности технологии волочения: технико-экономические параметры процесса, полезное машинное время, количество простоев оборудования связанных с запуском, отладкой технологии и перезаправкой на новый маршрут), количество отходов цветного металла (заправочных и обрывных концов).

- разработка информационной модели, позволяющей виртуально отобразить поэтапно технологические особенности волочения, оптимизировав технологические и технические параметры процесса без остановки работы оборудования.

- разработка обобщенной математической модели, базирующейся на учете технологических, технических параметров волочильной машины, совместного взаимодействия рабочих узлов, механизмов, электро-механической системы, в том числе влияние состава эмульсии, параметров материала проволоки и прочих факторов, с целью проведения последующего анализа работы оборудования;

- разработка и экспериментальное исследование выбранного способа модернизации действующей волочильной машины путем установки дополнительного электромеханического блока, позволяющего осуществить поддержание процесса волочения проволоки в требуемых технологических и технических режимах и нормах, адаптировав его в электромеханическую систему волочильной машины без существенных конструктивных измерений.

**Объектом исследования** является электромеханическая система и возможность модернизации волочильной машины.

**Предметом исследования** является работа чистового дорогостоящего технологического инструмента (алмазной фильеры), выполняющей функцию финишной (чистовой) обработки проволоки, обеспечивающей высокое качество, постоянство диаметра и чистоту поверхности проволоки.

